ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01063

# КИТОБ – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

**В. Аҳмедов**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 2 курс магистранти

## АННОТАЦИЯ

Китоб инсон ақлини чархлашга, идрокини теранлаштиришга, тафаккурини ўстиришга хизмат қилади. Китоб ўқиган одам маънан баркамолликка эришибгина қолмасдан, турли давраларда яхши суҳбатдош, яхши ҳамфикр бўла олади.

**Калит сўзлар:** ноширлик, таҳрир, муҳаррир, мусаҳҳиҳ, маркетинг, дизайнер, қўлёзма, полиграфия, босмахона, мутолаа.

## ABSTRACT

The book serves to sharpen the human mind, deepen perception, and develop thinking. A person who reads a book can not only achieve spiritual perfection, but also be a good conversationalist, a good thinker in different circles.

**Keywords:** publishing, editing, editing, proofreading, marketing, designer, manuscript, printing, printing, reading.

## КИРИШ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши мамлакатимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш билан боғлиқ хайрли ишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унинг замирида халқимиз маънавий дунёсини кенгайтириш, дунёқараш ва салоҳиятини юксалтириш, ҳар томонлама етукликка ундашдек эзгу мақсадлар мужассам.

Биз буюк аждодлар, илм-у урфон донишмандлари авлодимиз. Улардек ақлу идрокка, комилликка етишиш учун китобдан яхшироқ дўст ва устоз топиб бўлмайди. Ёшлар келажагимиз эгалари экан, аввало, уларда мутолаага бўлган катта қизиқишни уйғота олишимиз даркор. Бугунги кун ёшлари энг мураккаб асарларни ҳам ўқий олиш билан бирга, уларда берилаётган мазмун-моҳиятни чуқур таҳлил қилишга қийналмасликлари керак. Бунинг учун

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01063

биринчи галда ҳар қандай асарни англаб уқиб ва иштиёқ билан мутолаа қилишга ўргансин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Китоб инсонни эзгуликка ундайди, ҳаётда сабрли бўлишга чақиради, мақсад сари етаклайди. Бир донишманд "Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман", деган экан. Дарҳақиқат, у бизни тарбиялашга қодир, юксак марраларни забт этишимизда кўмакчи. Мамлакатимиз аҳолиси маънавиятини юксалтиришда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг алоҳида ўрни бор. Мазкур даргоҳ мамлакатимизнинг энг нуфузли нашриётларидан бири. Бу нашриёт болангизнинг дарслик китобидан тортиб, сиз севиб ўқиган, ўқийдиган бадиий асарлар ва нодир адабиётларнинг ҳам чоп этувчиси. Уларнинг зарварағига камтаргина қилиб “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи” деб ёзиб қўйилган. Лекин ўша камтар ёзувлар замирида жуда катта ижодий жамоанинг фидокорона меҳнатлари ётади.

Нашриёт тарихи ҳақида эсланганда, ўтган асрнинг 80-йиллари кўп тилга олинади. Бу бежиз эмас. 80-йиллар нашриёт тарихида ўзининг энг сара бадиий асарларни, ёзувчиларнинг кўп жилдлик китобларини маҳорат билан чоп этганлиги билан эсда қолган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқа ёзувчи-шоирларнинг китоблари, тўла асарлар тўпламлари фақат шу нашриётда чоп этилган. Бугина эмас, ушбу нашриётда китоб чоп эттириш, унча-мунча ёзувчи ё шоирнинг қўлидан келмаган. Нашриёт уйида жам бўлган кучли ижодий жамоа, бадиий кенгаш сабаб унча-мунча ижодкорлар нашриёт эшигидан мўралашга ҳам ҳайиқишган. Одил Ёқубов мактаби, Омон Матжон мактаби, Шавкат Раҳмон мактаби... бу исмлар ортида нафақат уларнинг ўз асарлари, балки ўзбекнинг юзини, сўзини дунёга кўрсата олган муҳташам китоблар бор. Буни Ғафур Ғулом номидаги нашриётнинг ўчмас тарихи шаҳодатлаб турибди.

Бугун ақлу ҳушимиз қисқаликка кўникма ҳосил қилиб бораётган бир пайтда нашриётнинг олдинги нуфузи сақланганми? Нашриёт мамлакатимиз ўқувчилари учун қай даражада муҳим адабиётларни нашрдан чиқаряпти? Нашриётда чиқаётган китобларнинг меҳнати салмоқли, қиймати енгил бўлиб қолмаяптими, деган саволлар атрофида жавоб изладик.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01063

**НАТИЖАЛАР**

Нашриёт 1957 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти номи билан иш бошлаган. Нашриётнинг асосий фаолият йўналиши мумтоз, ҳозирги замон ва жаҳон адабиёти, оммабоп ва санъатга оид турли китоблар, альбомлар, буклет ва плакатлар чоп этиш бўлган. Нашриёт тарихига назар ташласангиз, ўҳ-ҳў, кимлар ишламаган бу даргоҳда. Ва ана ўша жуда узоқ бўлмаган вақт ичида нашриёт ўзининг имижини, ўзининг хос қиёфасини яратишга эришган. Ғафур Ғулом НМИУнинг асосий йўналиши адабиёт ва санъат эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Нашриёт ҳар доим Адабиёт ва санъат нашриёти бўлиб келган. Ҳозир номланишида “Адабиёт ва санъат” жумласи кўрсатилмаса-да, бироқ, нашриётнинг асосий йўналиши бадиий китоблар тайёрлашдан иборат. Бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, барча нашриётлар қатори Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам бозор билан бироз муроса қилади. Шу боис турли соҳага оид яхши китобларни, яъни энг сара китобларни четлаб ўтгани йўқ. 2019 йил нашриёт ижодий уйи 300 номдаги бадиий адабиётлар нашр этди. Ундан ташқари, ношир учун сифат бирламчи бўлиши керак. Мақтанса арзигулик китоблар бор. Масалан, “Беш ташаббус – беш китоб” лойиҳаси бўйича нашр этилган бешта йирик китоб, шунингдек, 2020 йилда чоп этилган бобомиз Алишер Навоийнинг “Хамса” (5 китоб) асарини шундай китоблар сирасига киритиш мумкин. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам меъёр сақланиши шарт. Нима бўлганда ҳам, нашриётлар ўз фаолияти олдида ниҳоятда зукко ва зийрак китобхон турганлигини назарда тутган ҳолда амалга оширмоғи керак. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликларининг 100 жилдлиги, Навоий асарлари, Назар Эшонқулнинг “Гўр ўғли” романи, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Матназар Абдулҳаким, Азим Суюн каби эл ардоғида устоз шоирларнинг “Танланган асарлар”ини нашриёт ҳеч иккиланмай, ёруғ юз билан ўқувчига тақдим эта олди.

Нашриёт бир пайтлар адабиётга гуриллаб кириб келаётган ёш авлод асарларини чоп этиб адабий жамоатчиликни сеҳрлаб қўйганини ҳаммамиз яхши биламиз. Адабиётга 70-80 йилларда кириб келган шоир ва ёзувчиларнинг халққа танилишида, асосан Ғафур Ғулом НМИУ биринчи даражали вазифани бажаргани бор гап. Бу анъана нашриётда бугунги кунда қай даражада давом этаётир. Нашриёт матбаа ижодий уйи бугунги кунда адабиётга кириб келган 10 нафар ёш ёзувчининг китобини чоп этди. Бу китобларнинг дизайни ҳам, кўриниши ҳам ўзига хос .

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01063

Нашриётлар шеърий китоблар чиқаришдан ҳайиқиб туришади. Буни нима билан изоҳлаш мумкин, одамлар шеър ўқимай қўйишганми ёки шеър китоб чиндан сотилмайдими? Бугунги кунда “сариқ матбуот”дек “сариқ ноширлик” ҳам урчиб, китоб бозорларини турли олди-қочди китоблар ҳам йўқ эмас. Бу босқич табиийки асл шеъриятни ўқувчилардан анча узоқлаштиради. Ўз маблағи ҳисобига китоб чиқараётган ҳавасманд шоирлар кўпаяди. Чинакам адабиёт эса бозордан юз ўгиради. Ҳақиқий адабиёт китобларини олиб нашриётма-нашриёт югурмади, бозорга солмади... Бу ёғи ўзимизга маълум. Бу ҳолат маркетингни анча довдиратиб қўйди, улар бозорга бетлолмай қолди. Ана шу қўрқув маркетингчиларимизни ҳанузгача тарк этгани йўқ. Қолаверса,китоб сотувчи, китобсавдо ходимининг ўзи биринчи галда энг зукко китобхон, адабиётсевар, адабиёт тарғиботчиси ҳам бўлиши керак. Афсуски, бугун ҳамма маркетлоголар ҳақида ҳам шундай дея олмаймиз. Бу ҳам китобларнинг ўқувчига етказилишида соя ташлайди. Кейинги йиллардаги соҳага бўлган давлат даражасидаги эътибор таъсирида чинакам адабиёт мухлислари, дидли ва талабчан ўқувчиларнинг сафи яна тўлиб бораётганлиги барчани хурсанд қилиши табиий.

## МУҲОКАМА

Китоб билан шуғулланадиган ҳар қандай одамнинг бадиий савияси юқори бўлиши керак. Нашриётнинг директоридан тортиб, оддий ишчисигача ҳар бири китобхон бўлмоғи, китобни тушуна олмоғи керак. Бу гаплар баландпарвоз туюлиши мумкин, бироқ гапнинг рости шу. Яхши китобнинг чиқиши биргина таҳририятга боғлиқ эмас. Бу ерда ишлаб чиқариш бўлими, маркетинг бўлими бор – буларнинг ҳар бири шу китобнинг фақат молиявий томонини эмас, маънавий жиҳатларини ҳам чуқур ўйлаб кўрмоғи керак. Агар ишлаб чиқариш ёки маркетинг бўлимидагилар китоб билан тиши чиқмаган бўлса, қанча уринманг, режалаштирилган китобнинг яхши ва ижтимоий, маънавий жиҳатдан зарур эканлигини исботлай олмайсиз, натижада у узоқ вақтлар нашриёт портфелида қолиб кетаверади. Фақат бозоргир, харидоргир китобни чиқараман, юзаки шов-шувларга сабаб бўлган асарлардан пул ишлаб оламан, деган нашриёт ютқизади, холос. Эртага мамлакатнинг маънавий меҳварини, тафаккур умуртқасини ташкил қилган зиёлилар бу каби нашриётдан ҳафсаласи пир бўлади ёки шундай “тарозиси енгил нашриёт” билан ижодий ҳамкорликдан юз буриб, унда китоби чиқишини ўзига лозим топмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01063

“Муҳаррирлик мактаблари”. Нашриётларда сўзнинг таъмини туядиган таҳрир усталари хусусида икки оғиз сўз. Бугун республикамиздаги барча нашриётларда моҳир муҳаррирлар етишмаётганлиги сезилади. Бу чиндан оғриқли масала. Чунончи, нашриётга мамлакатимизнинг энг етук шоир, ёзувчи, таржимон ва олимларининг китоблари келади. Булар устида ишлаш учун чиндан ҳам муҳаррирнинг катта салоҳияти, муҳаррирлик қобилияти керак бўлади. Нашриётнинг яқин ўтмишида таҳририят қошида “Маҳмуд Саъдий таҳрир мактаби” иш олиб борган экан. Аввало, нашриётга эртадан кечгача китоб ўқиб таҳрир қилиш учун унча-мунча одам келавермайди. Қолаверса, муҳарриридан китобнинг яхши чиқиши учун ҳам сиёсий, ҳам тарихий, ҳам бадиий билим ва савия талаб қилинади. Тўғрисини айтаман, барибир нашриётлар учун муҳаррирлик мактабларини йўлга қўйиш керак.

Мутахассисининг бугунги китобга муносабати: Мамлакатимиз раҳбарининг айнан китоб борасидаги кўрсатма ва таклифларидан кейин нашриёт ва ноширлик соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нашриёт ва китоб дўконлари ўртасидаги алоқа яхшиланди. Бу эса китоблар адади ошишига жиддий таъсир ўтказмоқда. Нашриётлар китобни 1000-2000 нусха чиқарадиган бўлса, буни ҳам жиддий ўйлаб кўрарди. Бугун эса 5000 – 10000 нусха китобларни ҳам ортиқча ҳадиксирамай, босмахонага туширмоқда. Бунга яққол мисол “Биз ёдлаймиз, тез ёдлаймиз” рукнида 10 нафар болалар шоирларининг китобларини 10000 нусхада чоп этилгани. Қолаверса, олдинлари ижодкорлар нашриёт эшикларида сарғайиб юришарди. Бугун нашриётларинг ўзлари яхши-яхши муаллифларга китобини ўз нашриётида чоп этиш таклифлари билан чиқяпти. Шунинг ўзиёқ китоб ва нашриёт соҳасида жиддий қадам қўйилганлигини билдиради.

## ХУЛОСА

Бугун замон илдамлаб кетди. Биз эса унинг билан баравар одимламасак ишимиз юзага чиқмаслиги аниқ. Нашриётдаги янги технологиялар хусусида ҳам сўз юритсак мавриди деб ўйлайман. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида, жажжи болажонларнинг китобга бўлган қизиқишини янада ортириш мақсадида, Ўзбекистонда илк бор болалар учун ўзбек тилида “Алдаркўса ва бой” ҳамда “Икки дўст” номли тинглаб ўқиладиган яъни аудиёзувли-инновационянги эртак китобча нашрдан чиқди.Унда эртак қаҳрамонлари, жониворлар ва афсонавий жонзотлар тингловчини қизиқарли, сеҳрли эртаклар оламига чорлайди. Жажжи болалар учун нашр қилинган ушбу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01063

китоб халқ эртакларидан тузилган бўлиб, унда ранг-баранг безаклар ўқувчиларнинг китоб мутолаасига бўлган меҳри ва қизиқишини орттириши шубҳасиз. Сўзимизни мутафаккир зотларнинг пурҳикмат бир нақли билан тугатмоқчимиз ”Китоб –жамият қайиғи. Бу қайиққа талпинмаган одам ҳалокатга юз тутиши тайин.” Бугун ана шу ҳақиқатни жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси теран англайдиган фурсат келди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сонли қарори
2. Мирзиѐев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: ―Ўзбекистон‖, 2016.
3. Мирзиѐев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: ―Ўзбекистон‖, 2017.
4. ЎзМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил